



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 13 апрель, шанба

№29 (11.417)

Эркин нархда сотилади

Республика Миллий матбуот марказида "Ахборот-коммуникация технологиялари ва қонунчилик: таҳлил, истиқболлар ва имкониятлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## АХБОРОТ АСРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Давра суҳбати Ўзбекистон Олий Мажлиси, Республика Фан ва технология маркази, БМТ тараққиёт Дастури ва «Интернет соҳасида сиёсат бўйича глобал ташаббуслар» ташкилоти томонидан уюштирилди.

Учрашувда сўзга чиққан БМТ тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой мамлакатимизда БМТнинг «Рақамли тараққиёт ташаббуси» дастурини татбиқ этиш бўйича кенг қўламада ишлар олиб борилаётгани ҳамда бу Олий Мажлис ва фан ва технология маркази томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини айтди. Бугун ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда.

— Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, — деди Р. Конрой пировардида, — миллий ахборот инфраструктурасини ташкил қилишда ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишда, таълим ва фанни ривожлантиришда, қишлоқ туманлари ва аҳолининг кенг қатламига кириб келишларини таъминлашда мутараққий қонунчиликнинг аҳамияти каттадир.

«Туркистон пресс».

## ИШЛОВ БЕРИШ БОШЛАНДИ

Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли ширкат хўжалиги ҳар йили давлатга пахта сотиш режасини муваффақиятли бажариб келмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Хўжаликда чигитни барвақт ва қисқа муддатда экиб келгусидаги мўл ҳосилга пухта замин яратилади. Янги мавсумда ҳам бу яхши анъанага амал қилинди. Пахта учун ажратилган 760 гектар майдонга туманда биринчилар қаторида чигит экиб бўлинди.

15-27 март оралиғида плёнка остига чигит қадалган 160 гектар майдондаги ғўзалар иккитадан чинбарг чиқарди. Экиш пайтида гектарига 100 килограмм ҳисобида аммофос берилгани ниҳол-

ларнинг тез ва дуркун ривожланишини таъминляпти.

Хўжалик механизаторлари дастлабки экилган майдонлардаги ниҳолларга биринчи ишлов беришни бошлаб юбордилар.



**СУРАТЛАРДА:** бош пудратчи Мирзараим Мирзааҳмедов; бош ҳосилот Алижон Отажонов (ўнгдан иккинчи) ошлавий пудратчи Исоқжон Хусанов даласида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

## Пилла — 2002

### МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Айни кунларда шимолий минтақалардан ташқари барча туманларда хонадонларга ипак қурти тарқатиш бошлаб юборилди.

Хўш, вилоят хўжаликларида пиллакорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди-ми? Озуқа базаси етарлими? Ипак қурти боқувчиларга аввалдан берилган бўнак пуллари белгиланган миқдорда тарқатилляптими? Мухбиримиз вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Рустам АКБАРОВга ана шу саволлар билан мурожаат этди.

— Бу йил вилоятимизда жами 930 тонна пилла етиштириш режалаштирилган, — дейди Р.Ақбаров. — Бунинг учун 21 минг қутидан кўпроқ ипак қурти уруғи очиришга қўйилган эди. Бугунги кунгача 16 минг қутиси очирилиб, боқувчиларга тарқатила

бошлади. Бекобод, Пскент, Бўка, Янгийўл, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманлари пиллакорлари бу йил ипак қурти парваришига биринчилар қатори киришдилар.

— Мўл ва сифатли пилла етиштиришнинг асосий шартли-

(Давоми 2-бетда).

## Коммунал хизмат ва ислоҳот

### УЙ ЭГАЛАРИ ШИРКАТЛАРИ: ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

Уй эгалари ширкатлари мамлакатимиз коммунал хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли юзага келган янги уюшмалардир.

Бундай мустақил уюшмалар янгийўллик уй эгаларига маъқул ҳам бўлишига эришиш учун кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Унинг ҳамма учун фойдали ва ҳар томонлама қулай эканлигини тушунтириш мақсадида жойларда йиғилишлар ўтказилди, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда ҳокимлик вакиллари, мутахассислар, ҳуқуқшунослар қатнашиб,

уй эгалари ширкатлари давр талаби эканлигини ўқитдилар. Шундан кейингина шаҳарда уй эгаларининг ис- таги билан ҳам ширкатлар бирин- кетин пайдо бўлди. Ҳозиргача улар- нинг сони ўнтага етди, ундан ташқари уларга рақобат қилувчи хусусий «Ғиштинвест» ширкати ҳам ташкил этилди. Ширкат бошқаруви таркиби ва раҳбарлари қилиб ҳар бир маҳал-

(Давоми 2-бетда).

## Вилоят ҳокимлигида

### ҚЎМИТАНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларнинг хотин-қизлар қўмиталари раислари, бир неча ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси А. Аҳмаджонова вилоят ҳокимлиги қошидаги «Аналик ва бо-

лаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари мажмуи»нинг 2002 йил биринчи чорагида амалга оширган ишлари ҳақида маъруза

қилди. Шунингдек, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У. Иномжонов хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш масалалари ҳақида, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ж. Пахомова Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғ-

лигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ахборот-таҳлил гуруҳи мутахассиси З. Эшмирзаева қўмита қошида тузилган ишчи гуруҳининг биринчи чоракда амалга оширган ишлари ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилиш барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўз мухбиримиз.

## Бугунги сонда:

### ЖАРАЁН

Айни кунларда туманларда ташкил этилган махсус штаб аъзолари хонадонларда бўлишиб, қурт боқиш учун зарур шароитлар яратилиши ва бўнак пулларининг вақтида берилишини назорат қилиб бормоқдалар.

2-бет

### ҚИШЛОҚ ВА ИСЛОҲОТ

Бўка тумани мисолида айтилган бу фикр-мулоҳазалар, келтирилган далиллар аслида вилоятимиздаги пахтачиликка ихтисослашган барча туманларга тегишли.

3-бет

### БАҲОР ИЛҲОМЛАРИ

Шоир Ҳамид Норкул ижодига мансуб янги мисралар.

6-бет

### ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Ирок нефть экспортини ўттиз кунга тўхтатиб қўйгандан кейин жаҳон биржаларида қора олтиннинг нархи кўтарилди бошлаган эди. Бирок, ўтган ҳафтада бу хом ашёнинг нархи яна туша бошлади.

7-бет

### ТҮЙ ЯХШИ, АММО...

Ўзбек тўйига ҳеч бир тўй тенг келмаса керак. Аммо кейинги вақтларда ҳалдан зиёд исрофгарчиликлар, ўз шароитига қарамадан катта қарз эвазига тўй қилаётган ватандошларимиз қўлайиб кетди. Бундай тўйлар эса, қўлаб ноҳуш оқибатларга олиб келмоқда.

8-бет

## Янгилик

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН РАСТАЛАР



**Олмалик шаҳрида «Тошкент виллоят савдо» ҳиссадорлик компаниясига қарашли савдо ва хизмат маркази аҳолига хизмат кўрсата бошлади.**

— Фурқат кўчасидаги 1-уйнинг пастки қаватида жойлашган ушбу мажмуанинг умумий майдони 1144 квадрат метрдан иборат бўлиб, унинг бир қисмида озик-овқат дўкони кундалик истеъмол маҳсулотлари билан савдо қилмоқда, — дейди ҳиссадорлик компанияси раиси Файрат Турсунов. — 550 квадрат метр майдони эса, замонавий жиҳозлар билан таъминланган расталардан иборат бўлиб, улар-



да 60та хусусий тадбиркор савдо хизматини уюштилади. Ушбу марказда, шунингдек, дорихона, сартарошхона, соатсозлик ва яна бир неча маиший хизмат турлари фаолиятини ташкил қилиш мўлжалланган.

Тез кунларда бу ерда 25 ўринли кафе ишга туширилади. Мазкур мажмуа ҳукуматимизнинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш дастурини ҳаётга тадбиқ этиш борасида амалга оширилатган ишлардан биридир.

Ҳиссадорлик компанияси саъй-ҳаракатлари билан Янгийул шаҳрида замонавий ускуналар билан жиҳозланган қандолат цехи ҳам фойдаланишга топширилиб, ўзининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. У соатида 380 килограмм пишириқлар тайёрлаш имконига эга. 17 янги ишчи ўринлари очирилишига сабаб бўлган мазкур цехда печенье маҳсулотлари келишилган нархларда аҳолига етказиб берилаяпти.

**СУРАТЛАРДА:** Олмалик шаҳридаги савдо ва хизмат марказининг ички кўриниши ҳамда болалар ўйинчоқлари растаси; Янгийул шаҳридаги қандолат цехида.



## Кўрғазма

## ХИТОЙ ФАН ВА ТЕХНИКА КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзэкспомарказда Республика-мизда ХХР нинг «Фан ва техника кунлари» кўрғазмасининг очилишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизга ташриф буюрган делегация раҳбари — ХХР илмий-техник алоқалар маркази директори ўринбосари Янь Тяньмяо хоним ҳамда ушбу марказнинг халқаро кўрғазмалар бўйича бошлиқ ўринбосари жаноб Тун Вэй кўрғазмадан кўзланган мақсад, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тўғрисида сўзлаб бердилар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган бу кўрғазма 15-18 апрель кунлари намойиш этилади. ХХР фан ва техника вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси унинг асосий ташкилотчилари ҳисобланишади. Кўрғазмада Пекин шаҳрида фаолият юритаётган илмий-тадқиқот институтлари, қлий ўқув юртлари ҳамда қўллаб-ётакчи йирик компания ва фирмалар ўз маҳсулотларини намойиш қиладилар. Келтирилган маҳсулотлар энг янги ва энг юқори технологиялар асосида ишланган бўлиб, жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради. Мазкур тадбирда иштирок этган киши бугунги Хитойнинг ривожланиши ва ундаги фан ва техника ютуқлари билан кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, кўрғазма келажақда Ўзбекистон ва Хитой илмий жамоатчилиги вакиллари, кўрғазма корхоналари ҳамда ишбилармон доиралари учун янги алоқа йўллари очиб беради ва икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ.



ла, кўп қаватли уй эгалари йиғилишларда шу жойларда истикомат қилувчилар орасидан бўлган обрўли кишилар сайланди. Улар 2001-2002 йиллар учун мўлжалланган режалар туздилар ва шулар асосида фаолият кўрсатишапти. Илгарилари коммунал хизматлар учун пул тушуми жуда секин борар, уни вақтида тўламаган қарздорлар кўпайиб кетган эди. Ширкатлар ишлаб бошлагач, бу соҳада сезиларли силжиш бўлди. Бунга эришиш осон бўлмади, албатта. Шаҳар ҳокимининг қарори билан ҳар бир маҳаллага ҳокимлик вакиллари биркирилди. Ҳар бир кўп қаватли уй, ҳар бир кўчанинг раҳбарлари сайланди. Уларга ҳокимлик вакили эканлиги ҳақида гувоҳнома берилди, ҳуқуқлари ва бурчлари белгиланди. Улар турли тўловлар вақтида тўлашни ташкил этиш билан шуғуллана бошладилар. Коммунал хизмат ҳақларини ашаддий тўламовчилари, кўп қарз бўлиб қолганларнинг исми шарифи матбуот саҳифаларида берилди бошлади. Бу ва бошқа шу каби кучли таъсир қилувчи чораларнинг қўлланиши ўз самарасини берди.

«Мустақиллик» маҳалласи оқсоқоллар кенгашининг фаолиятида буни яққол кўриш мумкин. Унда 22та кўча бор, 41та кўп қаватли уйлар жойлашган, аҳолиси эса 6,5 минг кишидан кўпроқ. Унга шаҳар ҳокимининг вакили сифатида марказий касалхона

(Давоми. Боши 1-бетда).

бош шифокори Низом Хайруллаевич Абдуллаев тайинланган. Маҳалла оқсоқоли, ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйлар раҳбарлари биринчи навбатда коммунал хизматни тўловлари вақтида тўлашни учун ҳаракат қилади. Илгари кўп қаватли уйларга хизмат қилувчи уй-жой-фойдаланиш идораси ўрнида тузилган «Янги ҳаёт» уй эгалари ширкати ҳам шу мақсадда юзага келди. Эндиликда бу ширкат коммунал хизмат кўрсатувчи идоралар билан уй

## УЙ ЭГАЛАРИ ШИРКАТЛАРИ: ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

эгалари ўртасида воситачилик қилмоқда. Бу турли хизматларга тўловлар режалари бажарилишида кўрсаткичлар яхшиланганига олиб келди. Ўтган йилнинг дастлабки икки ойи билан жорий йилнинг шу давридаги натижаларни солиштирсак, ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Ўтган йилнинг шу даврида уй-рўзғор чиқиндилари, ахлатлари учун умуман пул келиб тушмаган эди. Ширкат вақтида 136 минг сўм йиғилди. Ширкат

аъзолари бўлган 41та кўп қаватли уйда яшовчилар унга 165 минг сўмлик бадал тўлашди. Улар ўтган йилнинг дастлабки икки ойида техник хизматлар ҳақининг 30 фоизини тўлаган бўлсалар, жорий йилнинг шу даврида режани 102 фоиз қилиб бажардилар. Шаҳар бўйича эса, бу кўрсаткичлар тегишлича 487 минг сўм ва 3 миллион 860 минг сўмни ташкил этди.

«Мустақиллик» маҳалласида истикомат қилувчи ночор, қаровчисидан

айрилган оилалар, яққа қариялар коммунал хизмат тўловларидан озод қилинганлар. Бунинг мекони ҳамма кўрғазмага олишган. Маҳалла ҳудудида эса, бешта саноат корхонаси, 42та хусусий дўконлар, қатор бошқа тадбиркорлик тузилмалари ишлаб турибди. Улар муҳтожлар учун «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигига ҳар ойда маблағ ўтказиб туришади. Шундай йўл билан ночорларнинг техник хизматлар, чиқиндилар учун тўлашлари лозим

бўлган ҳақлари қопланади.

Шаҳардаги барча уй эгалари ширкатлари ҳам ўз фаолиятларини тобора яхшилаб бормоқдалар. Уларнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш юзасидан кўриляётган чоралар ҳам шунга ёрдам берапти. Шаҳар ҳокимлиги бунинг учун 1 миллион сўм ажратди. Виллоятдан эса, шу мақсадга 3,5 миллион сўм берилди. Бу маблағлар турли асбоб-ускуналар, қурилиш ашёлари, уй-жойларни таъмирлаш учун зарур бошқа буюмларни олишга сарфланди. Жумладан, 1 миллион сўмлик пайвандлаш мосламалари сотиб олинди. Том устига ёпиладиган ашёларга ҳам шунча ҳажмдаги маблағ берилди. Бундан ташқари биргина «Умид» ширкатида 400 минг сўм ажратилди. «Анорқулов» ва «Ғалаба» ширкатларининг ҳар бирига 200 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди. «Маърифат» ширкат хўжалиги эса, шу маблағдан 100 минг сўм олди. Уй-жой эгалари ширкатларининг фаолиятини такомиллаштириш, давр талаблари даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Энг муҳими улар ўзларининг ҳаётий эканлигини кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига аъзо бўлган, бадалларни вақтида тўлаб турган уй эгалари турар-жойларини яхши ҳолатда сақлашни учун барча таъмирлаш ишларини бемалол амалга ошириш имкониятига эга бўлиши зарур.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

## МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

ларидан бири мустаҳкам озуқа базасини яратиш. Виллоятимиздаги мавжуд тут дарахлари ва тутзорларнинг бугунги аҳволи қандай?

— Бизда режаланган микдордаги пилла ҳосилини олиш учун озуқа базаси етарли. Фақат гап шундаки, баъзи туманларда тут дарахлари сероб бўлса, айримларида етмай қолиши мумкин. Бундай ҳолат ҳар йили амалда кузатилаётгани боис пиллакорларимиз ўзаро келишиб, бор озуқа манбаидан расамади билан ва самарали фойдаланишга эришиб келмоқдалар.

Бирок, бу озуқа базаси мустаҳкам деб, хотиржамликка берилиш учун асос бўлмадлиги керак. Масалан, бу йил баҳорда виллоят бўйича жами 490 минг туп тут кўчатлари экилиши ва 73 гектар ерда янги тутзор бар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

по этилиши керак эди. Ҳозиргача бу топшириқ тегишлича 64 ва 46 фоиз бажарилди. Бу масалада, айниқса, Ўртачирчиқ ва Қуйчириқ туманлари виллоятни орқага тортмоқдалар. Чунинчи, шу икки туманда 40-45 минг тупдан кўчат экилиши ва 8 гектардан тутзор барпо этилиши керак эди. Амалда эса, ҳеч нарса қилинмади.

Тўғри, виллоятда тут кўчатлари етишмаяпти. Бошқа виллоятлардан келтириш эса, жуда қimmatга тушиб кетади. Кўрғазма хўжаликларининг иқтисодий аҳволи бундай сарф-харажатларни кўтаролмайди. Лекин, изланган имконият топади, албатта. Масалан, Беқобод туманида 93 минг туп кўчат экилиб, 10 гектар тутзор барпо этилди ва топшириқ ортиги билан бажарилди. Шунингдек, Чиноз, Бўжа ва Оҳангарон туманларида ҳам топшириқлар юз фоиз уддаланди.

— Ипақ курти жуда ноziк, яъни қалин-сийрақлиги ва хо-

нанинг харорати меъёрида бўлмаса, тез касалга чалинади, ҳосилнинг чўғи ҳам, сифати ҳам пасайиб кетади. Жойларда бу масала қандай ҳал этилаяпти?

— Тўғри, бу ҳам, пилла ҳосили тақдирини ҳал этадиган масала. Шу боис кўрт боқиладиган хоналарда зарур шарт-шароитларни яратишга ҳозирданок жиддий эътибор бериш лозим. Хўжаликлар билан ҳар бир кўрт боқувчи ўртасида тузилган шартномада ана шу шартлар белгилаб қўйилган. Бир қўти, яъни 19 грамм кўрт учун 60 квадрат метр жой тўғри келиши керак. Шуни ҳисобга олиб, биз бу йил ҳар бир кўрт боқувчига ўртача 0,75 қўтидан тарқатишга ҳаракат қилаёلمиз. Ўтган йили эса, 1,23 қўтидан тўғри келганди. Янгийул, Қуйчириқ туманларидаги айрим хўжаликларда ҳатто 2-3 қўтидан тарқатилганди. Янги мавсумда эса, бунга йўл қўймаслик чоралари кўриляпти.

— Жон куйдириб ишлаш учун пиллакор моддий манфаатдор бўлиш керак. Шуни ҳисобга олиб, боқувчиларга олдиндан бўнак пули бериш тартиби жорий этилган. Қўртнинг тарқатиш жараёнида шу тартибга амал қилинаяптими?

— Албатта. Етиштириладик бир килограмм пилла учун 150 сўм ҳисобидан бўнак пули берилаяпти. Виллоят бўйича ҳар қўти уруғдан олинандиган ҳосил ўртача 45 килограмм қилиб белгиланган. Демак, бир қўти кўрт боқувчига 6750 сўм наҳд пул ҳам берилаяпти. Бундан ташқари ҳар бир хўжалик ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда бир килограмм пилла учун 3 килограммдан 5 килограммгача бепул дон бермоқда.

Айни кунларда туманларда ташкил этилган махсус штаб аъзолари хонадонларда бўлишиб, кўрт боқувчи учун зарур шароитлар яратилиши ва бўнак пуллари вақтида берилишини назорат қилиб бормоқдалар.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири Абдусамид Йўлдошев суҳбатлашди.







## Шеъримат

## Майсалар кўзида ҳаяжон – шабнам



## ЮРАГИМНИНГ ЭРКАЛАРИ

Сочингизнинг оқларида мен қорайиб турибман,  
Сиздан кўра тўрт боламни кўпроқ

ўйлаб юрибман,  
Ёнбошлаган ёстигимга ташвишларим

сирибман,  
Онажоним, энг аввало сиздан қарзим  
кўп менинг.

Тоғнинг йўли узок, ўзинг, тоғимсан деб суянган,  
Ҳар омадим чопганида тонгда

туриб сўйинган,  
Кўзларимнинг ёшин ичиб, кипригимдай

куйинган,  
Опаларим, энг аввало сиздан қарзим  
кўп менинг.

Боролмадим, гоҳ кўргали бундойзорлар оралаб,  
Достон битдим меҳр ҳақда, оқ қоғозни

қоралаб,  
Қандай оға бўлдим ахир, кўнглингизни яралаб,  
Сингилларим, энг аввало сиздан қарзим

кўп менинг.

Палахмоннинг тоши асли йиғлаётган юрагим,  
Сизларга бахт сўрайвериб, гуллаб кетди

кўкрагим,  
Тугаб борар ота уйда айтаётган эртагим...

Қизларжоним, энг аввало сиздан қарзим  
кўп менинг.

Қарзларимни нондек узай деган чўғли  
тандирдай,

Бор умримни олов қилиб, йўлингизда ёндирай,  
Бошингизга бахт қушини қуёш қилиб

кўндирай...

Юрагимнинг эркалари, сиздан қарзим  
кўп менинг.

## УЙҒОНИШ

Қуёшга жаҳл қилиб бўртди куртаклар,  
Новдалар шамолга бўйин бойламас.

Бодомнинг кўксини ҳаяжон ёриб,  
Бойчечак гулини ҳеч ким эламас.

Илдизга ҳарорат эниб боради,  
Майсалар кўзида ҳаяжон-шабнам.

Бинафша атридай бахтга кўнаркан  
Орзуни умрида кўрмаган одам.

Ариқнинг лабида ялпиз сархушдир,  
Атиргул гунчаси очолмайди лаб.

Қизгалдоқ қизариб қаҳқаҳа отар,  
Баҳорнинг бағрида ёзни қучоқлаб.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора,  
Уйғониш борлиқни айлайди қарахт.

Кўкариб кетгиси келиб турибди,  
Чеккада мунгайиб қуриган дарахт...

## ЭСЛАБ ТУРИНГ

Кўнглингизга савол бўлдиқ биз,  
Богингизга завоқ бўлдиқ биз,

Ох, эсиз-а, увол бўлдиқ биз...  
Эслаб туринг бизни ҳар замон.

Айрилиққа чиқсин чечаклар,  
Дилни армон ҳар кун қучоқлар.

Эсингизга тушсин... у чоғлар,  
Эслаб туринг бизни ҳар замон.

Кўкда қуёш юраверади,  
Ҳаёт обдон синайверади,

Хотиралар сийлайверади,  
Эслаб туринг бизни ҳар замон.

Шод ва ғамли кунларингизда,  
Хаёл сурган тунларингизда,

Овози йўқ унларингизда...  
Эслаб туринг бизни ҳар замон.

## КЎЗИНГИЗДАН

Бу йил баҳор эрта келади,  
Қишни ташлаб кетади қушлар,

Булутлардан узилган томчи  
Майсаларнинг қулоғин тишлар.

Ёруғликдан парчаланар тун,  
Сой сувида ойнинг тақаси.

Шамолларда очилиб қолар  
Новдаларнинг куртак-ёқаси.

Юлдузлардан эртақлар тинглаб,  
Кўнглингизга соғинч соласиз.

Кўзингиздан ҳар кун учаман,  
Мени яхши кўриб қоласиз...

## КЎШНИМИЗНИНГ ҚИЗИ

Кўшнимизнинг қизи курсин  
Қарамайди ҳеч кимга.

«Чақириб бер»... Илтимослар  
Тегиб кетди жонимга.

Қайтиб кетар бирин-кетин  
Қораларин ўчириб.

Кўшнимизнинг қизи чиқар  
Қошларини учуриб.

«Кимлар келди» дейди кулиб,  
Қарашлари қувгина.

Санаб берсам, «Ботир йўқми...»  
Деб қизарар зумгина.

Кунлар ўтди... ёр-ёр айтиб  
Кетди кўз-ёш ёноқда.

Ёнидаги йигит йўқдир  
Мен санаган саноқда.

Ота уйни йўқлаб гоҳо,  
Келиб-кетиб юради.

Мен билмаган Ботирни у  
Ҳамон сўраб туради...

## ХОТИРАМДАН ҚУШЛАР УЧДИ

Битта қиз бор ўн биринчи «Б» синфда,  
Қоши қора, киприклари узун-узун,

Бошқаларни йўлатмаймиз синфимизга,  
Тулқан деймиз онаси ҳам бизлар учун.

Бири кўйиб, бири унга хатлар ёзди,  
Синфимизнинг ҳамма ўғил болалари,

Биродарлар, жуда қизиқ бўлар экан,  
Ўн олтига кирган йигит ноалари.

Айттар эдик келажакда уйланади  
Унга фақат синфимиздан кимдир биров.

Бошқасига тегиб кетса, менсимасдан  
«Туйини ҳам бузамиз» деб тикдик гаров.

...Хотирамнинг бир четидан қушлар учди,  
Кеча ўша қизни йўлда учратган чоғ,

Беш болали онахонга айланибди,  
Билганим шу: тўрт мучаси омон ва соғ.

Кимга тегди дейсизларми, биродарлар,  
Қанот керак экан айтган ҳар умидга.

Совчимизни кутиб-кутиб тегиб кетди  
Ўн биринчи «А» синфдан бир йигитга.

Ҳамид НОРҚУЛ.

## «ТАДБИРКОР»

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ОҚҚЎРҒОН БЎЛИМИ

Ўз балансидаги ҳовли ва ундаги бино ҳамда қурилмаларни  
белгиланган тартибга кўра сотади.

Пишган гиштдан тикланган ва нақшланган  
бино олти хонадан иборат. Ҳовлида ёзги ва  
қишки ошхона, ҳаммом, молхона ҳамда гараж  
мавжуд.

Ернинг умумий майдони 15 сотих.  
Ҳовли Оққўрғон туман маркази ва Алимкент  
шаҳарчалари ўртасида жойлашганлиги  
сабабли, ҳар икки томондан ҳам унга бориш  
қулай.

Бошланғич нархи – 5 900 060 сўм.

Маълумотлар бўйича мулк эгасига,  
қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз  
мумкин:

Оққўрғон шаҳар, Охунбобоев  
кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: (8. 255) 22-146,  
21-812, 22-148.



# XIII asr va dunyo

Mamlakattlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

## Eng so'nggi xabarlar



Халқаро амнистия ташкилоти Исроил ҳарбийларининг Фаластин ҳудудидagi ҳарбий ҳаракатларини кескин қоралаб, дунё ҳамжамиятини мавжуд зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш чораларини кўришга чақирди. Бегуноҳ фуқароларни ҳимоя қилиш учун тезда Яқин Шарққа халқаро қузатувчиларни жўнатиш зарур, дейилади ушбу ташкилот томонидан тарқатилган баёнотда.

БМТнинг "Нефт эвазига озиқ-овқат" дастури Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг "қора олтин" экспортини бир ойга тўхтатиш ҳақидаги қароридан 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорига зарар кўриши мумкин. БМТ Бош котиби расмий вакили Фред Экхард шуни маълум қилди. Унинг айтишича, Ироқ ҳукумати тезда ушбу қарорни бекор қилиши лозим. Акс ҳолда, шундоқ ҳам қийин аҳволда кун кечираётган ироқликлар аҳволи янада оғирлашиши турган гап.


Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти маълумотига қараганда, ўтган йили дунё бўйича доимий йўналишда ҳаракат қилувчи 13 та самолёт ҳалокатга учраган ва бунинг оқибатида 757 нафар йўловчи қурбон бўлган. АҚШда содир этилган қўпуровчилик қурбонлари бундан мустасно.

Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай Бамиан вилоятида вайрон қилинган Будда ҳайкаллари қайтадан тиклашга ваъда берди. Ҳукумат бу тарихий обидаларни имкон қадар тезроқ тиклаш чораларини кўриш учун бор имкониятни ишга солиди, деди у. Маълумки, баландлиги 35-54 метрга етadиган Будда ҳайкаллари "Толибон" ҳаракати раҳбари Муҳаммад Умарнинг кўрсатмасига биноан вайрон қилинган эди.

Жаҳон озиқ-овқат дастурининг Осиё минтақаси бўйича директори Жон Пауэлл халқаро ҳамжамиятни Шимолий Кореяга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами миқдорини яна оширишга чақирди. Акс ҳолда, ушбу мамлакатда 6,4 миллион киши очарчиликка мубтало бўлиши мумкин, деди у.

## НЕФТЬ ЯНА АРЗОНЛАШМОҚДА

Ироқ раҳбарияти Исроил армиясининг Фаластинда амалга ошираётган ҳарбий операцияларидан норозилик сифатида нефть экспортини 30 кунга тўхтатиб қўйгач, жаҳон биржаларида "қора олтин" баҳоси кутилмаганда кўтарила бошлаганди. Бу харидор давлатларни саросимага солди. Бироқ сўнгги хабарларга қараганда, нарх яна туша бошлаган. Ўтган сешанба кuni Нью-Йорк хомашё биржасида бир баррел нефть 72 центга арзонлашиб, 25,82 АҚШ долларини ташкил этди.



Париж.

## Шарҳловчи минбари

# КОМОР ОРОЛЛАРИ ЯНА БИРЛАШДИ

Комор оролларида беш йиллик сиёсий беқарорликка якун ясалди. Кунги кеча орол халқи мамлакатнинг янги конституциясини маъқуллаб овоз берди. Орол аҳлининг ушбу қарори энди Шарқий Африка қирғоғида жойлашган кичик ороллари яна мамлакатга бирлаштириш учун йўл очиб беради.

Дастлабки натижаларга кўра, референдумда иштирок этган энг йирик орол – Гранд-Комор фуқароларининг учдан икки қисми мамлакатнинг янги конституциясини тўла маъқуллаган. Қолган икки орол – Анжуан ва Маохели аҳолиси ҳам ушбу конституцияни қўллаб-қувватлаб келаётганди.

Янги конституцияга биноан, учта орол ўрнида Комор Ороллари Иттифоқи ташкил топади. Аввал у Комор Ороллари Федерал Исломи Республикаси, деб номланарди. Бироқ, 1997 йили Анжуан ва Мохели ороллари унинг таркибидан чиқиб кетгач, мамлакатни қандай аташ масаласи кўндаланг туриб қолди. Шунингдек, айирмачилик кайфияти ҳам кучая бошлади. Ўтган йилнинг охири ойида мамлакатда давлат тўнтаришига уриниш ҳам бўлди. Умуман, Комор ороллари мустақил бўлгандан буён мамлакатда йигирмадан ортик давлат тўнтаришига уриниш бўлиб ўтган. Сўнгги президент ҳам давлат тўнтариши туфайли ҳокимият тепасига келган. Бундай шароитда муаммо ўз вақтида ҳал этилмаса, мамлакатда фуқаролар уруши келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Янги қонун оролларга янада кўпроқ мухторият мақомини беради. Ҳатто, энди ҳар бир орол аҳли ўзига президент сайлаб

олиш ҳуқуқига эга. Бироқ, мамлакатнинг миллий валютаси, ташқи ва мудофаа сиёсати ягона бўлиб қолавереди. Бундан буён янги иттифоқни ҳар бир оролдан сайланган президент навбат билан тўрт йил давомида бошқариб боради.


Ҳозирча иттифоқ президенти Гранд-Комор оролидан сайланиши кўзда тутилмоқда. Энди ҳар уч оролга ҳам президент сайланиши керак. Аллақачон учта номзодга овоз беришнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Азали Ассумани, Махамуд Мрадаби ҳамда Саид Али Камол ютиб чиқди. 14 апрелда эса сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилади. Ўшанда ҳақиқий ғолиб аниқланади.

Шундай қилиб, Ҳинд Океанидаги митти архипелаглардан ташкил топган Комор ороллари халқаро меъёрлар асосида, яъни овоз бериш йўли билан ўзининг давлатчилиги истикболини белгилаб олди. Энг муҳими, бу сиёсий тадбир тинч, муроа йўли билан амалга ошди. Комор оролларида юз берган воқеалар давлат миқёсидаги муаммоларнинг катта-кичиги бўлмаслиги, уни ҳал этиш учун халқнинг яқдиллиги зарур эканини яна бир бор исботламоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## КЎЗОЙНАКНИНГ ИХТИРОЧИСИ

Ер юзидаги кишиларнинг таъмининан бешдан бир қисми кўзойнак тақадди. Хўш, кўзойнак қачон ва ким томонидан ихтиро қилинган?



Маълум бўлишича, кўзойнак биринчи марта XIII асрнинг охирида Венецияда кашф этилган. Аввало, у Европада, сўнгра Осиёда ишлатила бошланди.

1317 йилда флоренциялик олим Арматига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкалида, у кўзойнакнинг ихтирочиси эканлиги ёзиб қўйилган.

## 147 ЙИЛ БИРГА ЯШАШГАН

Халқлар тарихида биргаликда узоқ умр кўрган, бахтли ҳаёт кўрган оилалар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улардан бири венгриялик Янош Ровен ва унинг рафиқаси Сара Лардир. Қўша қариганлар биргаликда деярли бир ярим аср, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, роппа-роса 147 йил яшаганлар.

Венгриянинг Страдова қишлоғида туғилган ва шу ерда бутун умри давомида истиқомат қилган бу эрхотин ҳаётдан кўз юмганларида Янош 172 ёшда, Сара эса 164 ёшда бўлишган. Шу пайтда уларнинг ўғли 116 ёшга кирган экан.



## МУЗҚАЙМОҚ ЎРНИГА МЕТАЛЛ

Франциянинг Тулуза шаҳрида истиқомат қилувчи Мишел Лотито тўққиз ёшидан музқаймоқдан металл ва шишани афзал кўра бошлади. Тиббиёт ходимлари — гастроэнтерологлар унинг ошқозонида радиологик тадқиқотлар ўтказдилар ва Лотитонинг бир кунда 900 граммгача металлни ҳазм қилиши мумкинлиги каби ноёб хислати борлигини аниқладилар.

У 16 ёшлигидан бошлаб 10та велосипед, дўконларда ишлатиладиган аравагани, бундан ташқари 7та телевизор ва «Сессна» бир моторли янги самолёт, ҳатто барча ашқал-дашқаллари билан тобутни паққос туширган.


(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## КЎЗ НЕГА АЧИШАДИ?

Пиёз арчилаётган ёки тўғралаётганда кўз ачишининг сирини аниқлаш осон кўчмади. Чунки, ачиштирувчи модда учувчан бўлганидан, унинг таркиби дарҳол тарқаб кетар экан.

Уни жиловлаш йўлини америкалик кимёгар Эрик Блок топди. Тадқиқотчи учувчан моддани музлатиб қўйди. Унинг остида сиқилиб ётган лакриматор моддаси кўз намига аралашиб, сульфат кислота ҳосил қилар ва у кўзни ачиштириб, ёшлантирар экан.

Демак, тўғрашдан аввал пиёзни сувга солиб қўйиши бежиз эмас экан. Дарвоқе, «лакриматор» атамаси лотинча «лакрина» — ёш сўзидан олинган.



Турфа олам

Турфа олам

САЛОМАТЛИК – УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Ибн Сино халқаро жамғармаси республика Сорликни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда “Геронтология марказ” ини ташкил қилди

— Тараққий этган мамлакатларда геронтология масаласи кенг миқёсда атрофлича ўрғаниб чиқилган, — деди Биринчи Тошкент тиббиёт институтининг

профессори, геронтология муамолари комиссиясининг раиси, геронтолог олим Н. Насриддинова. — Геронтология (геритрия) қарилик тўғрисидаги фан бўлиб,

Ҳамкорлик

шу йўналишда кексаларнинг кассалликларини даволаш назарда тутилади. Бобокалонимиз Ибн Сино бундан минг йиллар аввал бу фаннинг асосини яратган. Ҳар бир кекса инсон бу даврда қандай ҳаёт кечириши лозимлиги ҳақида ўз рисолаларида маслаҳатлар бериб кетган.

“Туркистон-пресс”.

Bolalik bog'i

ТОПШИМОQ

Yelpig'ich barg oralab, Bo'rtib chiqar g'unchasi. Gullari slyoh rangdan, Yashnab ketar barchasi. Nima ekan bu, Kovsar? -Topdim, u-chi...



(Gulsafsar)

Мавзуга қайтиб

қилади. Аммо, кўпинча меъёрни унутиб қўяётгандекмиз. Хукуматимиз томонидан қабул қилинган «Тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги қарордан сўнг бу борада анча ижобий самараларга эришилди, қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, ҳали

беихтиёр ёқа ушлайсан, киши. Қарз-хавола қилиб бўлсада: «Фалончи ундай қилибди, нима учун мен қилмас эканман», дея ўзларини ўққа-чўққа урадилар. Тўйлардаги исрофгарчиликлар ҳақида гап кетганда, бувим раҳматлиқнинг айтган бир гаплари

ўтиш маросимлари, чорлар, киз зиёфати каби серхарж тадбирлар аста камайиб бормоқда.

Ўзбекмиз, юз иссиқ, маҳалла-қўйчилик, таниш-билишчилик деймиз, тўйга ёки бошқа маросимларга уни-буни айтмасам бўлмайти, дея андишага борамиз ва бир умр мисқоллаб йиққанларимизни бир кунда совураамиз.

Тўғри, ҳамма ҳам орзу-хавас билан яшайди, бола-чақамнинг роҳатини кўрсам, деб ният қилади. Шу максад йўлида елиб-югуради. Лекин... Бир танишимиз ўғил ўйлантираман деб, анча қарзга ботди. Тўйи орзу қилганидек, дабдаба билан ўтди. Ҳамма хурсанд. Тўй ўтгач эса, олган пулларини эгалларига қайтариш учун, табиийки, рўзгордан сиқа бошлади. Оқибатда келини «ейиш-ичишининг тайини йўқ, қурумсоқ оилада яшолмайман» деб, кетиб қолди. Бу воқеадан сўнг бечора хонадон соҳиби юрак хуружи хасталигига дучор бўлди. Боз устига, орадан қанча вақт ўтдики, хали-ҳануз олган қарзидан қутула олгани йўқ.

Бундай хунук оқибатлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Авалло, кишиларнинг маънавий дунёқараши ўзгармай, ўз одатлари оқибатларини тўла тушуниб етмай туриб, салбий урфларимиз давом этавериши аниқ. Дабдаба билан қилинаётган исрофгарчиликларни кўрганда, ўз «саховати»ни кўзқўз қилаётганларга қарата беихтиёр шундай дегим келади: сармомиягиз мўл бўлса, ўз фарзандингиз камоли учун, унинг илм олиши, тарбияси учун сарфланг, токи келажақда у сизга фақат раҳматлар келтирсин. Мактаб, боғча қуринг, барча сиздан миннатдор бўлсин. Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

Бекажон

ПИШИРИҚЛАР ТАЙЁРЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

«БОЙЧЕЧАК»

Бу печеньеи тайёрлаш учун 3 стакан ун, 100г. сарийёғ, 200г. маргарин, 1 стакан шакар, 4 дона тухум сариги, устига суртиш учун эса, 1 дона тухум сариги, 2 ош қошиқ шакар, 2-3 ош қошиқ майдаланган ёнғоқ мағизи керак бўлади.

Тухум сариги шакар билан оқаргунча аралаштирилади. Кейин юмшатирилган сарийёғ ва маргарин солиб, яхшилаб кўпчилади, ун солиниб, хамир қорилади, тайёр хамир 20 дақиқага совутгичга қўйилади. Совутилган хамирни 1 см. қалинликда ёйиб, махсус қолипчалар ёрдамида турли шаклларда кесилади. Ҳар бир печенье устига тухум сариги билан шакар аралаштирилиб суртилади, устини майдаланган ёнғоқ мағзи билан безатиб, духовкада 20-25 дақиқа давомиди пиширилади.

«ОРЗУ»

500г. ун, 200г. шакар, 200г. маргарин, 2 дона тухум солиб қаттиқ хамир қорилади. Хамир бир оз тингач, гўшт қиймалагичдан ўтказилиб, ундан 4 см. узунликдаги тасмачалар қирқиб олинади. Кейин улар ёғ суртилган духовка патнисига терилиб ўрта оловда 15-20 дақиқа давомиди пиширилади. Тайёр печеньеининг устига қанд упаси сепилиб дастурхонга тортилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА, қандолатчи.

«PARUZA» МЧЖ аудиторлик фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой ичида Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 91-уйда қабул қилинади.

Оҳангарон туман улгуржи-чакана савдо ва ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Чотқол чакана савдо ва ишлаб чиқариш қорхонасининг иш фаолияти 2002 йил 1 апрелда ТУХТАТИЛДИ. Барча даъволар 2002 йил 1 июнга қадар қабул қилинади.

Тошкент вилояти «Чернобил ногиронлари» хайрия жамғармаси ТУГАТИЛАДИ. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомиди Беруний кўчаси, 371-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб томонидан Мурод Махамаджонович Шарипов номига 2001 йил 25 июнда берилган О'РА 1152393 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Тўй яхши, Аммо...

хануз «мен сендан қоламанми» зайлидаги «мусобақалар» давом этиб келаётганининг гувоҳи бўлиб қоламиз.

Ҳаммадан ҳам тўйда киз тарафининг ошиб-тошиши кишини ҳайратга солади.

Айрим вилоятларда, аксинча, бундай урфлар куёв бечоранинг шўри.

Яқинда бир тўйда бўлди. Даврада ўтирган аёллар оғизларидан бол томиб, келин тараф қилган сарполарни мақташарди. Уларнинг айтишича, куёвга ҳар бир кийим-бош саккиз сидрадан қилинган экан.

Энди бу нарсаларга қанча сарф-харажат, қанча меҳнат кетишини тасаввур қилаверинг.

Баъзан биргина маошга кун кўрувчи, кўшимча даромади бўлмаган оилаларда ўтаётган тўй ва бошқа маросимларни кўриб

қулоғим остида янграйди.

— Болам, бойлик ҳар бир кишининг ўз пешонасига битсин. Бировнинг берганини биров қадрлармиди. Меҳнат билан топиб харжлаганининг ширин бўлади, — дердилар.

Ўзига тўқ хонадоннинг келини бир бўғча кийим-бошларни ахлатхонага ташлаб юбораётганининг гувоҳи бўлганман. Билсам, тўйида сарпода келган бу либослар «эскирган» эмиш. Ҳозир буларни ҳеч ким киймас экан.

Ана шундай воқеаларни кузатиб, бувимнинг гаплари нақадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўламан.

Хайриятки, тўй маросимларининг айрим турлари қисқариб бормоқда. Айниқса, Тошкент шаҳри ва вилоятида кенг урф бўлиб қолган қўша-қўша машиналар билан бориб, никоҳдан

тихаларни, қўлга киритган Исажон ва Азиз Содиқовлар Ўзбекистон терма жамоасидан жой олиб, 19 апрель кuni Бишкекда ўтказиладиган халқаро турнирнинг саралаш босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.



ТУМАНДА ХОТИРА ТУРНИРИ

Янгийўл туманида Жўра Хоназаров хотирасига ва туманда футбол мавсумининг очилиш маросимига бағишлаб мусобақа ўтказилди.

Туман спорт кўмитаси, маданият бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган бу мусобақада етти жамоа ўзаро куч синашди. Туманнинг «Соҳибкор» жамоаси биринчи ўринни, «Қовунчи»



ҳамда «Шифокор» жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан таъсиҳ этилган кимматбаҳо совғалар топширилди.

СПОРТ

ХОНОБОДАДА РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ

Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги «Jokey» от спорти майдончасида «Конкур» тури бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг тўққиз вилоятдан чавандозлар иштирок этдилар. Беш ёшдан етти ёшгача бўлган отлар билан 115 сантиметр тўсиқдан сакрашда Тошкент вилояти вакиллари Исажон Содиқов ҳамда 120 сантиметрли тўсиқдан сакрашда Азиз Содиқов иккинчи ўрин соҳиблари бўлишди. 130 сантиметрли тўсиқдан сакрашда яна Исажон Содиқовнинг омади кулиб бокиб, биринчи ўринни олди.

Республика биринчилигида яхши на-

ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатхиддин МУХИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тарилди ва саҳифалонди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Музаффар КҮЧҚОРОВ.